

Ассалому-алайкум ҳурматли Оммавий ахборот воситалари ходимлари, матбуот анжумани меҳмонлари!

Хабарингиз бор куни кеча Муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномалари кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Хусусан, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва барча тизим-ташкилот ходимлари мазкур тарихий Мурожаатномани диққат билан тинглаб, ўзимиз учун аниқ режаларни белгилаб олдик. Мурожаатномада мамлакатимизнинг барча соҳалари ва унинг мавжуд муаммо ва ютуқлари, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, Мурожаатноманинг Олтинчи йўналишида, иқтисодиётга маҳаллий ва хорижий хусусий инвестицияларни кўпайтириш учун шароитларни янада яхшилаш, сўнгги олти йилда инвестициялар ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизидан ошганлиги, келгуси йили қарийб 30 миллиард доллар сармоя жалб қилиниб, шундан 25 миллиард доллар хусусий инвестициялар бўлиши, Жумладан, умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширилиши, ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошлангани айтиб ўтилди.

Шунингдек, Мурожаатномада бу йил бошланган «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастури ўз самарасини бераётгани, бир йилнинг ўзида 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиққанлиги, Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар оширилиши, маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқариши, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни яқунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Албатта, бундай муҳим жараёнларда бизнинг ўрнимиз ва фаоллигимиз ўта муҳим ҳисобланади. Шу ўринда ўз поёнига етиб бораётган йилда фаолиятимизнинг муҳим жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчиман.

2022 йилда асосий эришилган натижалар

1) Стандартлаштириш соҳасида: “Стандартлаштириш тўғрисида”ги **янги қонун** лойиҳаси 2022 йил 3 ноябрда ЎРҚ-800-сон билан қабул қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси **Жаҳон савдо ташкилоти, ИСО талаблари** ва халқаро атамалар, тушунчалар билан бойитилди ҳамда стандартларни қўлланилиши **ихтиёрийлиги** белгиланди.

Ушбу Қонун билан стандартларни қўллашда **давлат аралашувини камайтириш** ва стандартларни қабул қилиш “**консенсус**” асосида амалга оширилиши каби нормалар киритилди.

2021-2022 йилларда озиқ-овқат саноатида – **284 та**; қурилишда – **355 та**; энергетикада – **562 та**; қишлоқ хўжалигида – **223 та**; машинасозлик саноатида – **102 та**; электротехникада – **78 та**; нефт ва газ саноатида – **64 та**; ахборот технологияларида – **38 та**; металлургияда – **74 та** халқаро стандартлар жорий этилди.

Бугунги кунда стандартлар давлат фондида **8 945 та** халқаро ва Европа стандартлари амалда бўлиб, соҳа кесимида қуйидагиларни ташкил қилади: тўқимачилик ва чарм пойабзал маҳсулотлари – **1 067 та**, қурилиш материаллари – **2 264 та**, электротехника – **1 467 та**, кимё ва нефт-газ – **1 354 та**, машинасозлик маҳсулотлари – **1 876 та**, металлургия маҳсулотлари – **833 та**, болалар ўйинчоқлари – **84 та**.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигида 2022 давомида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида .

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги ПҚ-81-сон қарори ижроси таъминлаш мақсадида қарор иловаси билан тасдиқланган 29 та индикатор бўйича Агентлик марказий аппарати ҳамда унинг тизим ташкилотлари кесимида индикаторлар ижроси таъминланди.

Сиёсат ва тартиб-таомиллар:

Агентлик ва унинг тизим ташкилотлари кесимида коррупцияга қарши курашиш соҳасига тааллуқли бўлган 14 та ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва 2 та ҳужжатга амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўзгартиришлар киритилди.

Хавф-хатарларни баҳолаш:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда унинг тизим ташкилотларининг 2022 йил учун умумий хавф-хатарлар ҳаритаси ишлаб чиқилди ва бугунги кунда 2023 йил учун мўлжалланган ҳарита ишлаб чиқилмоқда.

Хавф-хатарлар ҳаритаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 мартдаги 114-сон қарори билан Агентликка юкланган вазифаларни бажариш учун амалга оширадиган барча функцияларни қамраб олган;

Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш:

Агентликда фаолият кўрсатувчи 54 нафар марказий аппарат ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви декларацияси тўлдирилган;

Мониторинг натижаларига кўра агентлик тизимида фаолият кўрсатувчи ходимлар орасида реал ёки потенциал манфаатлар тўқнашуви аниқланмаган.

Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шартномаларига киритиш:

Агентлик меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши шартлар киритилган ва улар билан Агентликда фаолият кўрсатувчи 69 та ходимлар томонидан танишилган;

Ишга номзодларни текшириш:

Агентликка 2022 йил давомида марказий аппаратнинг вакант лавозимларига янги кадрлар ишга қабул қилинмаган. Шу билан бирга Агентликнинг вакант жойларига ишга қабул қилишда очик ва шаффоф тизим жорий қилинган ҳамда ҳар бир ўтказиладиган танлов жараёни Агентликнинг Фейсбук ижтимоий тармоғи орқали тўғридан-тўғри эфирда кўрсатилади

Таълим ва коммуникация:

Агентликда фаолият кўрсатувчи 54 нафар ходимларга Германиянинг РТВ ташкилоти томонидан Коррупцияга қарши курашиш ва ИСО 37001 стандарти бўйича онлайн семинар ташкил қилинди;

Мониторинг ва назорат:

Агентлик ва унинг тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини мониторингини ўтказишда бирқанча тадбирлар ўтказилди. Булардан, Агентлик ва унинг тизим ташкилотлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш тизимининг актуаллиги, коррупцияни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг етарлилиги ва уларнинг самарадорлиги, коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорати бўлимлари фаолиятининг самарадорлиги, ОАВларда фойдаланувчилар томонидан қолдирилаётган изоҳлар, ходимларни коррупцияга қарши асосий тартиб таомиллардан хабардорлиги юзасидан тадбирлар ўтказилиб фаолият бўйича тавсиялар ва аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари:

Агентликда ўтказилган мониторинг натижаларига кўра коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ва ички идоравий ҳужжатлар талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланмаган.

2) Мувофиқликни баҳолаш ва синов лабораторияларини ривожлантириш йўналишида:

Мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулотлар **рўйхати** амалдаги **6 164** турдан **2 444** тага (**1,6 баробарга**) қисқартирилди. Натижада маҳсулотларни **такрорий синаш** ва **сертификатлаштириш олди олинди**.

Ўз ишлаб чиқариш **эҳтиёжлари** учун **импорт** қилинадиган хом ашё маҳсулотлари мажбурий сертификатлаштиришдан **озод этилди**. Натижада ишлаб чиқарувчиларга **хом ашёни тўсиқсиз етказиб беришга** замин яратилди.

Мавжуд синов лабораториялар томонидан **3 752 та** ёки ўтган даврга нисбатан **3 баробар кўп** синов ускуналари харид қилиниб, синов лабораториялари **янги ускуналар** билан таъминланди ҳамда мавжудлари **модернизация** қилинди, шунингдек, **халқаро синов услублари** жорий қилиниб, **4 та** лаборатория **халқаро аккредитациядан ўтказилди**, **13 та** янги синов лаборатория **ташкил этилди**.

13 та янги синов лаборатория (**8 та** озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги, **1 та** ЭММ, **1 та** енгил саноат, **3 та** металл) ташкил этилди.

Лабораториялар моддий техник базасини ривожлантириш мақсадида 2019-2020 йилларда **1,3 млн долларга 146 дона** ускуна ва **267 млн сўмлик 543 хил** кимёвий реактивлар харид қилинган.

Натижада **11 та** лаборатория аккредитациядан ўтказилди, шундан **4 таси** (*енгил саноат, кимё, металл ва машинасозлик лабораториялари*) халқаро аккредитациядан ўтказилди.

Полиграфия, енгил саноат, металлургия, чарм-пойабзал, алкоголь, дон, сут, ёғ-мой, электромагнит мослашувчанлик, гўшт маҳсулотлари, **ичимлик суви, болалар ўйинчоқлари** бўйича техник регламент талаблари асосида **тўлиқ синовлар ўтказиш имкони яратилди**.

Бундан ташқари, **Корея** технология ва стандартлаштириш агентлигининг **2,3 млн** долл **гранти** асосида **“Хаво кондиционери”** маҳсулотининг энергия самарадорлигини баҳолаш бўйича лаборатория ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳрида қиймати **0,4 млн** долл (**3,5 млрд** сўм) бўлган металл маҳсулотларини синаш лабораториясининг янги биноси ташкил этилади.

“Ўзбекистон аккредитация маркази” ДУК Ўзбекистон Республикаси номидан 2022 йил 27 сентябридан Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ҳамкорлиги (**ILAC**) ва Халқаро аккредитация форуми (**IAF**) ўзаро тан олиш халқаро битимларига (**ILAC-MRA** ва **IAF-MLA**) қўшилди ва **“тенг ҳуқуқли аъзо”** сифатида эътироф этилди.

Натижада, **миллий мувофиқликни баҳолаш ҳужжатлари** (маҳсулотлар синови натижалари ва сертификатлар) ташкилотларга аъзо **116 та** давлатда тан олиниб, маҳаллий маҳсулотлар хорижий давлатлар бозорига кириб боришидаги мавжуд **техник тўсиқларни бартараф** этишга хизмат қилади.

3) Сифат менежменти тизимларини жорий этиш йўналишида:

Шу билан бирга, **GSP+** тизимида вилоят ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган тармоқ жадвалига асосан **1 323 та** корхонада халқаро сифат менежмент тизимлари жорий этилди.

Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикаси **87 та**, Андижонда **100 та**, Бухоро **122 та**, Жиззах **81 та**, Қашқадарё **98 та**, Навоий **97 та**, Наманган **105 та**, Самарқанд **105 та**, Сирдарё **60 та**, Сурхондарё **84 та**, Фарғона **103 та**, Хоразм **94 та**, Тошкент **97 та**, Тошкент шаҳрида **90 та**.

Тўқимачилик соҳасида фаолият юритувчи **72 та** корхонага **Oeko Tex**, **6 та** корхонага **Sedex**, **2 та** корхонага **BCSI** халқаро стандартлари ва электротехника соҳасидаги **14 та** корхонага **CE** маркировка жорий қилинди.

Маълумот учун: Андижонда – **14 та**, Фарғона – **8 та**, Бухоро – **6 та**, Жиззах – **6 та**, Наманган – **5 та**, Самарқанд – **7 та**, Сурхондарё – **5 та**, Қашқадарё – **1 та**, Навоий – **1 та**, Хоразм – **2 та**, Тошкент – **30 та**.

Шу билан бирга, агентлик томонидан **1 688 та** маҳаллий экспортёр корхоналарга консултатив хизматлар кўрсатилди.

Маълумот учун: стандартлаштириш – **664 та**, сифат менежмент тизимлари – **377 та**, сертификатлаштириш – **303 та**, қадоқлаш ва ёрлиқлаш – **110 та**, метрология – **91 та** ва бошқа масалаларда – **143 та**.